


631.6
P-18

**ФАН
ҲАҚИДА
СУҲБАТ
ЛАР**

А. РАЗЗОҚОВ

**МЕЛИОРАЦИЯ-
НИНГ
ХАЛҚ
УСУЛЛАРИ**

бр.8006/3.




№ 18

Фан
ҳақида
суҳбат-
лар

А. РАЗЗОҚОВ,
тарих фанлари кандидати

631.6
Р-18

МЕЛИОРАЦИЯНИНГ ХАЛҚ УСУЛЛАРИ



ТОШКЕНТ
«ЎЗБЕКИСТОН»
1982

P 18 Раззоқов А.

Мелиорациянинг халқ усуллари.— Т.: Ўзбекистон,
1982.—24б.

Ушбу рисолада мелиорация соҳасида катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хилма-хил усуллarning ишлаб чиқилганлиги ҳамда Ўзбекистонда мелиорациянинг тутган ўрни ва тарихи ҳақида атрофлича фикр юритилган ва баъзи маслаҳатлар берилган.

Брошюра мелиорация ва қишлоқ хўжалиги билан қизиқувчиларга, мутахассисларга ҳамда кенг китобхонлар омма-сига мўлжалланган.


Раззаков А. Народные способы мелиорации.

40.6

№ 170—82

Навоий номли ЎзССР давлат кутубхонаси.

P $\frac{31400-132}{M 351 (04)}$ 82 1801000000



Суғориш ва ерлар мелiorацияси Ўрта Осиёнинг қуруқ иқлимли шаронтида алоҳида аҳамият касб этади. Бу ерда, К. Маркс ва Ф. Энгельс қайд қилганлари каби: «Иқлим шаронти ва ер юзасининг ўзига хос хусусияти... каналлар ва ирригация иншоотлари ёрдами билан сунъий суғориш системасини шарқ деҳқончилигининг асоси қилиб қўйди»¹. Илмий коммунизм асосчилари таъкидлашганидек, суғориш каналлари ва бошқа сув иншоотлари қурилиши жамият тараққиётининг ва халқ оммаси турмуш даражасини кўтаришнинг муҳим шарти бўлган.

К. Маркс айтган эдики: «Тупроқнинг ҳосилдорлигини сунъий суръатда оширишнинг бундай системаси марказий ҳукуматга боғлиқ эди, бу ҳукумат ирригация ва ботқоқликларни қуришти ишларига бепарволик билан қараган вақтда ҳосилдорликни сунъий суръатда ошириш системаси дарҳол таназзулга юз тутарди; бир вақтлар жуда обод бўлган катта-катта территорияларнинг... ҳозирги вақтда унумсиз ва қуруқ чўлга айланиб қолганлигининг сабаби ана шу ва бунинг шундан бошқа сабаби йўқ»².

Ўзбекистон халқларининг тарихи ариқ-зовурлар қазни, хилма-хил гидротехник иншоотлар қуриш, мураккаб ва сермеҳнат ирригацион ва мелiorатив тадбирларни амалга ошириш йўли билан меҳнаткашларнинг сув учун кураш тарихи чамбарчас боғлиқдир.

Ўзбекистон — суғорма деҳқончиликнинг ноёб райони

¹ К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар. 1-том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1980, 539-бет.

² К. Маркс ва Ф. Энгельс. Танланган асарлар. 1-том, 539-бет.

бўлиб, суғориш иншоотлари қадим замонлардаёқ олиб борилган. Ерларни суғориш натижасида пахтадан ва бошқа қимматли экинлардан анча юқори ҳосил олиб келинган.

Республикамизда мелиорация соҳасида халқ жуда бой тажриба орттирган. Бу эса ерни ишлашда, унинг унумдорлигини янада оширишда жуда қўл келмоқда. Мелиорация соҳасида катта илмий ва амалий аҳамиятга эга бўлган хилма-хил усуллар ишлаб чиқилган. Ана шу усулларни такомиллаштира бориб, мелиорациянинг ҳозирги усуллари ишлаб чиқилди. Бу фикрни кўпроқ археологик ва бошқа тадқиқотлар исботламоқда.

Ўзбекистонда суғорма деҳқончилиқ мелиоратив жиҳатдан энг қулай бўлган жойларда бундан 3 минг — 3 минг 200 йил муқаддам пайдо бўлган ва кейинчалик ишлаб чиқарувчи кучлар тараққий этган сари асли шўр бўлган ерларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган. Айрим районларда суғориладиган ерлар майдони ўса борган сари ботқоқ ва шўр босган ерлар пайдо бўлиши натижасида мелиорацияга эҳтиёж тугилди. Ёмон ерни ишлашга ўтиш, албатта, ҳеч қачон ихтиёрий равишда рўй бермайди, у фақат зарурият натижасида бўлиши мумкин.

К. Маркс мелиорацияга чуқур илмий таъриф бериб: «Капитал сарфлашни талаб қиладиган ҳамда ерга сарфланган капитал деб қаралиши мумкин бўлган ишларни амалга ошириб ернинг табиий, қисман кимёвий хусусиятини ўзгартирадиган, узоқ муддат таъсир қиладиган мелиоратив ишлар деб аталадиган ишларнинг ҳаммаси деярли шундан иборатки, муайян ер парчаси, муайян жойдаги тупроқнинг сифат касб этишига, бошқа жойдаги бошқа ерлар кўпинча бир-бирига яқин ерлар табиатан эга бўлган хусусиятлар касб этишига имкон яратишдир. Бир ер массивининг сатҳи азалдан текис бўлса, бошқасиникини текислашга тўғри келади; бир хил ердан ортиқча сувлар табиий равишда оқиб кетади, бошқа бир ерларга сунъий дренаж қазинишга тўғри келади»¹, — деб айтган эди.

Табиий шароитни яхшилашга, яъни мелиорацияга бўлган зарурият кишининг хўжалиқ эҳтиёжларига қараб ишлаб чиқарувчи кучларнинг тараққиёт даражасига ва ишлаб чиқариш муносабати характериға боғлиқдир.

¹ К. Маркс. Капитал. III том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1972, 782-бет.

Ижтимоий тараққиёт даражаси хўжаликнинг ташқи табиий шароитга бўлган талаблари ва ҳажмини белгилаб беради. Ана шу талаблар табиий шароитнинг ўзгартириш зарурлиги даражасини, яъни мелиорациянинг характери, кўлами ва имкониятларини кўрсатиб беради.

К. Маркс деҳқончиликда мелиорация ролига баҳо берар экан, ерларни яхшилаш учун сарф қилинган маблағлар тезда қопланади, деб кўрсатган эди ва: «Деҳқончиликда бирин-кетин капитал сарфлашдан самарали фойдаланиш мумкин, чунки ернинг ўзи ишлаб чиқариш қуроли бўлиб амал қилади, ваҳоланки ер фақат асос сифатида, ўрни, операция базасининг жойи бўлиб хизмат қиладиган фабрикада эса бу нарса йўқ ёки жуда тор доирадагина мавжуддир... Машина ва ҳоказоларга сарфланган асосий капитал фойдаланиш натижасида яхшиланиб бормади, балки, аксинча, ейилиб боради. Ер эса, аксинча, агар унга тўғри муносабатда бўлинса, ҳаминша яхшиланиб боради»¹,— деганди. Шундай қилиб, мелиоратив тадбирлар муайян районларнинг табиий шароитини ўзгартиришга, мамлакатнинг қишлоқ хўжалик ишлаб чиқаришида фойдаланиладиган энг яхши ерлар ҳолатини сақлаш ва майдонини кенгайтиришга, мамлакат хўжалигининг тараққиёти ва ишлаб чиқариш муносабатлари ҳолатига қараб мослаб иш кўришга имкон беради, яъни ижтимоий-иқтисодий тузумга боғлиқ. Кўпдан-кўп тадқиқотлар шуни кўрсатадики, феодализм ва капитализм шароитида мелиорация меҳнаткашларни эксплуатация қилиш воситаси, йирик заминдорларнинг катта фойда олиш воситаси ҳисобланади.

В. И. Ленин ўзлаштириш қийин жойларни ишга солиш имкониятлари мамлакат ишлаб чиқарувчи кучларининг тараққиёт даражасига боғлиқ деб кўрсатган эди. У бундай деган эди: «...бизнинг замонамизда техника мислсиз тезлик билан ривожланмоқда, агар янги усуллар топилса... агар кўп капитал сарф қилинса, бугун яроқсиз бўлган ерлар эртага яроқли қилиниши мумкин»².

Тупроқ, иқлими ва гидрогеологик шароитлари ноқулай бўлган ерлар кўп йиллик суғорилиш борасида қишлоқ хўжалик экинлари учун яроқсиз (шўрланган ёки

¹ К. Маркс. Капитал, III том, Тошкент, «Ўзбекистон», 1972, 818-бет.

² В. И. Ленин. Тўла асарлар тўплами. 27-том, 436-бет.

ботқоқлашган, яъни оғир «дард»га чалинган) бўлиб қолган. Бундай ерларда мелиоратив тадбирларни амалга оширмай туриб, яъни шўр ва ботқоқликка қарши курашмасдан туриб экинлардан мўл ҳосил олиш мумкин эмас эди. Миришкор деҳқонларимиз бундай ерларда қадимдан ирригация билан бирга мелиоратив чоратадбирларни ҳам амалга ошириб келишган. Уларни тупроқ табиблари, деб аташ мумкин.

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш ишида мелиорациянинг халқ усуллари кўп йиллардан буён хизмат қилмоқда. Бу усулларни ўрганиш ва умумлаштириш илмий ҳамда амалий аҳамиятга молик.

Совет олимларининг кўп йиллик самарали ишлари туфайли Ўрта Осиё республикаларининг суғорилиши тарихи хусусида муҳим ва ажойиб хулосаларга келинди, қадимда яшнаган воҳаларнинг вужудга келиши ва сўниши сабаблари аниқланди. Бу борада академиклар С. П. Толстов, Я. Ғ. Ғуломов, тарих фанлари доктори А. Р. Муҳаммаджонов, Б. А. Андрианов ва бошқаларнинг хизмати катта.

Ўтказилган кўп сонли археологик, этнографик, картографик ва бошқа тадқиқотлар натижасида Ўзбекистондаги мелиорация халқ усуллари икки қисмга: 1) агротехник чоралар ва 2) мелиоратив иншоотларга ажратиш мумкин.

Мелиорациянинг агротехника усулларига алмашлаб экиш, дарахтлар ўтқазиш (биологик таъсир), кузги-қишки сув бериш (яхоб), шўр ювиш, чуқур шудгорлаш, бошқа тупроқ олиб келиб ёйиш, умуман ерларга дам бериш ва бошқалар кирadi.

Мелиоратив иншоотларга эса ер ости сувлари сатҳини пасайтирадиган, ер захини қочирадиган қурилмалар — ҳозирги даврда горизонтал (ётиқ) дренажлар деб аталадиган очиқ зовурлар системаси кирadi.

Зовурнинг бир неча маҳаллий номлари мавжуд. Масалан, Фарғона водийсида зах, закан, зақкаш, Тошкент воҳасида зовур, захариқ, зибир, Бухорода зақкаш, зақбур, Хоразмда зейкаш, соум каби иншоот номлари сақланган. Зовур маъносидаги ҳандақ сўзлари бор (хандахёп), ботқоқ ерларни билдирадиган хархўр, хархўрон (Бухоро), шивер, шибер (Зомин районида — муғулча), чалчиқ (Қўқон) сўзлари маълум. Сизот сув ўзук, ўзак (шўрўзак, қораўзак), қорасув, сиоб, захоб, канда дейилади.

Очиқ зовурлар билан бирга ёғоч, тош ёки пишган

ғиштан қилинган ёпиқ дренаж — тазарлар ҳам бўлган. Бу типдаги қурилмалар унчалик кенг тарқалмаган, кўпроқ шаҳарларда ер ости сувларини оқизиб, қуритиш ва канализация функцияларини бажарган.

Демак, миришкор бободеҳқонларимиз тупроқ шўрланиши ва ботқоқланишига қарши турли агротехник ва бошқа чора-тадбирларни қўллаганлар. Лекин шуни ҳам айтиб ўтиш керакки, Ўзбекистоннинг суғориладиган районларида қишлоқ хўжалиги ва шўрланган ерларни ўзлаштириш узоқ тарихий давр мобайнида экстенсив характерга эга бўлган, яъни ишлаб чиқаришнинг ривожланиши фақат экин майдонларини кенгайтириш ҳисоби-га бўлган (ҳосилдорлик жуда паст эди).

Экинларни суғориш ҳам узоқ йиллар давомида асосан бостириш усулида олиб борилган (фақат Совет ҳокимияти йилларидагина янги суғориш системасига ўтилди).

Бостириб суғориш (масалан, шолини суғорган каби) шўрланган ёки шўрланишга мойил ерларда бу процесснинг янада кучайишига олиб келган. Чунки бундай суғориш усулида кўп сув талаб қилинган ва ерларнинг ботқоқланиши ва шўрланишини тезлатган.

Шўрланган ва ботқоқланган ерлар деярли ҳамма суғориладиган районларда бор эди. Айниқса, дарё водийларининг қуйи қисмида бундай ерлар кўпроқ ва тоғ олди, қирларда эса камроқ бўлган. Фарғона водийсининг ҳозирги Фарғона области, Қўқон зонаси (бутунлай), Бухорода Зарафшон дарёсининг қуйи қисмида (Бухоро области), Тошкент воҳасида, Хоразмда кенг тарқалган эди. Сунъий суғориш билан жойнинг табиий мавжуд сув баланси бузилган, айниқса, ер ости сувлари сатҳи кўтарилган ва уларни ташқарига олиб чиқиб кетиш табиий равишда қийинлашган (ер ости ёки буғланиш орқали чиқиб кетган). Одатда, ер ости сувлари юза сувидан, нисбатан юқори-роқ минерализацияга эга бўлади, буғланиш оқибатида тоза сув чиқиб кетиб, тузлар тупроқ сиртида тўпланади, натижада ер шўрланади ва маълум вақтдан кейин ер ишдан чиқади. Агар ер ости сувлари чучук бўлса, ботқоқланиш, зах босиш рўй беради. Шу йўл билан ернинг мелиоратив шаронти кескин ёмонлашади, шундай ерларда қўшимча тадбирлар кўриш йўли билан деҳқончилик қилиш мумкин.

Одатда, бундай жойларда ер захини қочириб ва шўрини ювиш тадбирлари олиб борилган. Ана шундай шаронтда шўр ювиш ва яхоб бериш ишлари муҳим роль

ўйнаган. Аммо бу тadbир чекланган ерда ва зовурлар йўқ шарoитда ўтказилиб, айрим ерларнинг шарoитинингина яхшилаб, қўшни жойларда ер oсти сувлари сатҳини кўтарган, шўрланиш майдонини кенгайтирган ва кучайтирган. «Шунда,— деб ёзган эди таниқли мелиоратор Л. П. Розов,— шўр бoсган шудгорларни бирин-кетин ташлаш даври бошланади ва ерлардан фойдаланиш коэффициентини шу миқдоргача пасаядики, ташланган партов ерлар майдони oртиқча филътрацион сув ва шўрни ўзига қабул қилиб оладиган даражада oшмоғини талаб этади. Шундай қилиб, экин майдони ва партов майдонлар ўртасида аста-секин маълум нисбат вужудга келади, бу нисбат тахминан 50 процентга яқин ёки undан ҳам кам бўлади»¹. Бундан чиқадиган хулоса шуки, суғоришган экин майдонларининг деярли ярми ёки undан кўпи партов ерлар бўлиб, ер oсти сувларини буғлатувчи «иншоот» ролинини ўйнаган. Фанда буни «қуруқ» дренаж ҳам дейилади. Бу процесснинг физик моҳияти шундаки, шўр ювиб, яхoб берилган майдонлардан вақтинча минераллашган сувлар қўшни районга сиқиб чиқарилади ва буғланади, яъни атрофдаги ерлар ҳисобига маълум майдон шарoити яхшиланади. Бу усул ер майдони катта бўлган районларда қўлланилган ва ҳар ҳoлда самара берган (ердан фойдаланиш коэффициентини 0,5 дан oшмаган). Юқорида айтиб ўтилган мелиоратив усул қандай oқибатларга олиб келишини қуйидаги мисолдан кўришимиз мумкин.

Мирзачўлга биринчи кўчиб келганлар (уларнинг кўпи европaликлар эди) у ерларда пахтадан дастлабки йиллари ўғитсиз мўл ҳосил (30 центнергача) олишган (ерлар ҳосилдор эди). Аммо улар бу ерларнинг «қилиғини» яхши билмас ва ерларга кўп сув қуяр эдилар. Йил сайин ерлар шўрланиб, ҳосилдорлик ҳам кескин камайган (9 ц. ва undан ҳам кам). Шўр бoсган ва бoтқoқ ерлар ташланиб, янги ерларга ўтилган, шундай қилиб «кўчманчи» деҳқончилик вужудга келган. Натижада, 5 йил (1914—1919) давомида 95 минг гектар ернинг 60 минг гектари ташландиқ бўлиб қолган эди. Фақат ирригация билан таниш маҳаллий аҳоли келгач, мелиорация ишлари амалга ошириладиган бўлди ва ташландиқ ҳисобланган ерларда ҳам экин экила бошланди.

Суғориладиган ерлари чекланган районларда, масалан, Хoразм ва Бухорода (сув танқислиги мавжуд) ме-

¹ Л. П. Розов. Мелиоративное почвоведение. М., 1936, 58-бет.

лиорациянинг бундан бошқа, жуда оғир ва кўп меҳнат талаб қиладиган усуллари қўлланилган.

Князь В. И. Массальскийнинг ёзишича, бу районларда шўрланган ерларда тупроқнинг устки қатлами — энг кўп туз тўпланган қисми чорак аршин (16,8 сантиметр атрофида) олиниб, бир ерга уйилган; 2—3 йилдан сўнг, яъни тупроқнинг шўри ёмғир-қор сувлари ёрдамида ювилгач, бу тупроққа гўнг ва қум аралаштириб яна ўша олиб келинган ерга ёйилган ва экинлардан мўл ҳосил олинган. Шўрга қарши курашнинг бу оригинал, яъни ноёб усулида ҳар гектар ердан бир ярим минг арава тупроқни олиб кетиш керак бўлган. Бу усулни майда деҳқонларнинг натурал хўжалиги давридагина қўллаш мумкин эди, чунки унга кўп меҳнат ва ишчи кучи зарур эди.

Мелиорациянинг бу усули ҳозирги пайтда ҳам гоҳ-гоҳ қўлланилади (жуда кучли шўрланган ерларни ўзлаштиришда), лекин барча иш замонавий қудратли техника ёрдамида бажарилади.

Совет тарихчиси М. В. Сазонова ҳисобига қараганда, бир таноб ердан (0,4 гектар) бир вершок (4,4 сантиметр) тупроқни олиб кетиш ва олиб келиш учун 600 аравадан ортиқ юк ташилган, агар ҳар гал 25 пуд юк чиқарилган бўлса, жами 30 минг пуд юк бўлади.

Ариқ ва зовурлардан (қазиниш ва тозалаш пайтида), рошлардан, бузилган эски девор, уйлардан кенг фойдаланилган. Деҳқончиликнинг бу усулидан ҳозирги пайтда ҳам кенг қўлланилмоқда. Айниқса, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан рошни аралаштириб ерга ёйиш катта самара бермоқда. Ҳосилдорликни оширишда бу усул яхши резерв ҳисобланади.

Халқимиз мелиорациянинг агротехник усулларига алоҳида эътибор берган. Айниқса, экинларни алмашлаб экиш катта аҳамият касб этган. Бу усул эффектив мелиорация тадбиригина бўлиб қолмай, балки ерларнинг табиий унумдорлигини қайта тиклаш ва тупроқ структурасини яхшилашда ҳамда профилактик, яъни ўсимлик касалликларига қарши курашда ҳам муҳим роль ўйнаган.

Одатда, экин майдонларида бир неча (6—10) хил ўсимлик ўстирилган ва маълум вақтдан кейин алмаштириб турилган. Манокультурага йўл қўйилмаган, масалан, пахта бир ерда 3—4 йил давомида экилгач, ўрнида жўхори, буғдой ёки беда ўстирилган. Экин турини алмаштириш учун тупроқнинг ҳолати, унумдорлиги,

шўрланганлиги ҳисобга олинган. Қайси экинни экиш миришкор оқсоқоллар томонидан амалга оширилган, айниқса, шולי экишга катта эътибор берилган, лекин шולי кўп сув талаб этганлиги учун ҳам атрофдаги ерларни ёмонлаштирган. Айниқса, турли ўтлар (алапигов — мол озукаси), беда маълум даражада мелиоратив самара берган ва у экин майдонининг 15—18 процентини ташкил этган. Академик М. И. Йўлдошевнинг маълумотларига кўра, Хоразмда ҳайдаб экиладиган майдонларнинг деярли ярми (50 проценти) бошоқли ўсимликлардан иборат бўлиб (буғдой ва жўхори), бешдан бир қисми (20 проценти) пахта, қолган қисмига эса арпа, шולי, тарик, мош, зигир, кунжут, қовун, тарвуз ва бошқалардир. Ҳозирги замон фани текширишлари шуни кўрсатадики, қишлоқ хўжалигини шундай усулда юритиш ҳозир ҳам катта аҳамиятга молик. Гап шундаки, беда илдизи жуда узун ва барги қалли, шу сабабли у жуда кўп сувни ўз танаси орқали буғлатади (аммо тупроқда буғланишни камайтиради) ва ер ости сувлари сатҳини пасайтиради. Беда тупроқ структурасини ғоваклаштириб, ер юзасидаги тузларнинг пастга кетишига ва ернинг шўрсизланишига олиб келади. Ҳозирги пайтда олиб борилган тадқиқотлар бунинг тўғрилигини яна бир бор исботлади. Масалан, Мирзачўлдаги тажриба станцияси ва «Пахтаорол» совхозида олиб борилган илмий тадқиқотларга кўра, беда экилган шўр ерларда 2 йил давомида зарарли туз миқдори 66 процент камайган.

Хоразм миришкорлари, айниқса, беданинг мелиоратив хусусиятларини яхши билишган. Улар етиштирган беда уруғлари фақат ҳозирги Совет Иттифоқи миқёсидагина эмас, балки чет элларда ҳам машҳур бўлган. Беда уруғи Оренбург орқали Италия, Германия, АҚШга сотилган (беда уруғи буғдойдан икки марта қиммат турган). Яна муҳим бир ҳолат шуки, Хоразм деҳқонлари сувни севадиган ўсимлик — шолини сув етарли районларда ва аҳоли яшайдиган пунктлардан анча узоқда (соғлиқ ва уй қурилишига зиён келтириши мумкин) ўстиришга муваффақ бўлган.

Жўхори экини ҳам кенг тарқалган. У ҳам аҳоли, ҳам чорвачилик учун катта озиқа ҳисобланади. Бу ўсимликнинг муҳим хусусияти шундаки, у шўр ерларда ҳам ўсаяверади.

Ҳаммага маълумки, республикамизда қадимдан кўплаб дарахтлар ўстирилган. Уларнинг мелиоратив

хусусиятлари деҳқонларимизга яхши маълум. Чуқур илдизли бу ўсимликлар ер ости сувлари сатҳини анчамунча пасайтириб, деҳқонларга ёрдам берган. Масалан, 1 гектар дарахт 10 минг — 20 минг кубометр ер ости сувини, ёки 1 туп тол йилига 90 кубометр сувни буғлатар экан. Айниқса, тут дарахтининг мелиоратив аҳамияти жуда катта. Ипакчиликда асосий хом ашё бўлган тут дарахти ер ости сувларини интенсив буғлатган. Текширишлар шуни кўрсатадики, дарахтлар тагида ер ости сувлари сатҳи пахтазордагидан 40—60 сантиметр паст бўлар экан. Бу ҳол ер шўрланишини кескин камайтиради. Бундан ҳозирги пайтда ҳам кенг фойдаланилмоқда. Биологик дренаж деб аталадиган бу усул илгаридан суғориладиган районларда, айниқса, қўриқ ва бўз ерларда яхши самара беради. Агротехник тадбирлар ичида яхоб, шудгор муҳим ўрин олган. Бу усуллар ҳозирги кунда ҳам кенг қўлланилиб, яхши натижа бермоқда, айниқса яхоб, шудгор зарурий тадбирлар қаторига кирилади.

Айрим экинларни экишдан аввал (буғдой, пахта, мош ва бошқалар) ернинг мелиоратив шароитини, албатта, яхшилаш керак. Ерларни қисқа вақт ичида суғориш, тупроқнинг юқори қисмидаги туз миқдорини камайтириш экиннинг тез ривожланишига ёрдам беради. Бу сув одатда, баҳорда берилади (Хоразм, Қорақалпоғистон, Фарғонанинг айрим районлари).

Таниқли археолог А. Р. Муҳаммаджонов Зарафшон (Бухоро) водийсининг суғорилиш тарихини мукамал таҳлил қилиб, бу ерда деҳқончилик агротехникасининг ноёб усули — «қоқлама» тўғрисида фикр юритади. Бунда, яъни «қоқлама» усулида шўрхок районларда ерни суғормасдан ҳосил олиш мумкин. Бу усулда ерга аввал яхоб суви (қишда) берилиб, баҳордан ерни ҳайдаш бошланган. Шу нарса характерлики, бунда ер икки марта ҳайдалган: биринчиси июнь ойигача; кейин қирқ кун дам берилиб яна иккинчи босқич ҳайдалган (август). Сентябрьда мола босилган, ой охирида экин (арпа, буғдой ва бошқалар) экилган, устидан яна 2—3 марта мола босилган. Бу усулда қишки ва баҳорги ёгин-сочиндан фойдаланиб, суғормай ҳосил олинган, аммо ҳосилдорлик суғориладиган ерларникидан кам бўлмаган (гектарига 10—13 центнер). Бунда ернинг мелиоратив шароитини доим яхши сақлашга имкон бўлган.

Шўр босган ерларда экиладиган, шўрдан қўрқмас — «мелиоратор» ўсимликлар бўлган. Тупроқ шароити

ёмонлашган ерларда бу экинлар экилиб, ҳам ҳосил олинган, ҳам ер ҳолати яхшиланган (бу экинлар тупроқдаги бошқа экинларга зиён келтирувчи тузлар — натрий карбонатни ҳам бемалол ўзлаштирган).

Ана шундай ўсимликлар қаторига оқ жўҳори, беда, етмак, шўра, қўймия ва бошқалар кирази. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Ботаника институти олимлари мелиоратив жиҳатдан ноқулай бўлган Мирзачўл ерларида етмак экишни тавсия этдилар. Ўтказилган тадқиқотлар етмак бу ердаги мелиорация жиҳатидан шўрланган тупроқ учун ғоятда самарали эканлигини кўрсатди. Етмак тупроққа яхши соя бергани ҳолда юқори горизонтлари қизишини камайтиради (буғланиш кам) ва у ерда минерал туз йиғилишини сусайтиради. Шўрхок ерлардаги етмакда ихота ролини ўйнайдиган органик кислоталар миқдори жуда кўпайиб кетади. Натижада бу ерда доим мўл ҳосил берувчи етмакнинг озучалик аҳамияти ошади.

Халқ мелиораторлари тажрибасини ўрганиш асосида пайдо бўлаётган бундай ғоялар тобора кўпайиб бормоқда.

Шуни алоҳида қайд этиш керакки, партия ва ҳукуматимиз суғориладиган ерларда тўғри алмашлаб экишни жорий этишга катта эътибор бермоқда. Ўзбекистон Компартиясининг XX съездида (1981 йил) ҳамма ерларда алмашлаб экишни амалга ошириш, шу йўл билан ҳосилдорликни кўпайтириш, чорвачилик учун муҳим озуча базасини яратиш вазифалари белгиланди, бу эса партиямизнинг озиқ-овқат программасини ҳал қилишга ёрдам берадиган муҳим омил ҳисобланади.

Мелиорациянинг агротехника усуллари ҳар доим ҳам яхши натижа бермайди. Бу ҳолни экин майдонлари кенгайиб, партов ерлар камайган вақтда кузатиш мумкин. Бундай пайтда бободоҳқонларимиз мелиоратив иншоотлар қурганлар. Умумий номи «зовур» деб бизгача етиб келган бу иншоотлар, горизонтал типдаги очиқ ёки ёпиқ дренажлар бутун Ўрта Осиёда кенг тарқалган.

Таниқли ирригатор Г. Гельцер маълумотларига кўра, революциягача шўрланган ерлар Туркистоннинг деярли ҳамма районларида тарқалган (Мирзачўл, Фарғона водийси, Самарқанд, Бухоро, Хоразм, Амударё ва Туркменистондаги Марв). Лекин тарихий фактларга қараганда, шўрланиш бу ерда қишлоқ хўжалигининг ривожланишига деярли кескин тўсиқ бўлолмаган. Бу-

нинг биринчи сабаби, юқорида айтилганидек, юксак қишлоқ хўжалик маданиятининг сақланганлиги ва Г. Гельцер қайд этганидек, шўр ерларда очиқ зовурларнинг кенг қўлланилиши бўлган.

Фарғона водийси, хусусан Қўқон атрофида очиқ зовурлар 1,5—2, қисман 2,5 аршин (1 аршин 71,1 см), яъни 1—1,8 метр қилиб қазилган, ўртача ҳар десятина (1,09 гектар) ерга 80—120 сажень (1 сажень 2,13 метр) узунликда зовур тўғри келган (ҳар гектарига ўртача 200 метр). Яна бир муҳим томони шундаки, зовурлар, асосан, ҳар бир деҳқоннинг ер участкалари чегарасидан (участка майдони одатда 0,25—0,50 ва қисман 1—1,5 десятина бўлган) ўтказилган, фақат айрим ҳолда участка катта бўлса, унинг ўртасида ҳам зовур қурилган. Бу ҳилда зовур бўлиши участка чегараларини аниқ белгилайди ва у камида икки қўшни хўжалик томонидан (ярим зовур кенлиги қўшнига тегишли) тозаланади ва тузатилади, зарур пайтларда зовурдаги сувлардан суғориш учун ҳам фойдаланилган. Умуман зовур сувлари суғориладиган ариқларга оқизилган, шунга қарамай, экинларнинг шўрланишдан қуриб қолиш ҳоллари ёки ҳосил камайиши учрамайди. Демак, ҳосилнинг яхши бўлишига зовурларнинг яхши ишлаши ва агротехниканинг юқори эканлиги туфайли эришилган.

Яна бир муҳим томони, зовур бор участкалардаги ерлар бутун қиш давомида бостириб ювилган (кам шўрланган ерлар 1—2 марта, кучли шўрланган ерлар 5—6 мартагача), баъзи ерлар, умуман ювилмаган, чунки қишки ва баҳорги ёғин-сочинлар ва экин экишдан аввал сув бериш туфайли тупроқ шўри ювилган. Қишки ва баҳор пайтда зовур сувлари пастдаги қишлоқларда ичиш учун ҳам фойдаланилади (Қорасув ҳам дейилади), чунки дарё суви бу пайтда (Сох ва Исфара музлик ҳисобига тўйинади) оз бўлиб юқори қишлоқлардан ортмайди.

1880—1881 йиллари Фарғона водийсини текширган Россия Фанлар академиясининг Фахрий аъзоси, академик А. Ф. Миддендорф водий деҳқонларининг тупроқ шўрланиши ва ботқоқланишига қарши олиб борган ишларини ўзининг «Фарғона водийси очерклари» китобида ёзиб қолдирган. Унинг ёзишича, бундай ерларда унча чуқур бўлмаган (80—100 см), аммо анча кенг тарқалган зовурлар қазилган бўлиб, куз-қиш даврида яхоб берилиб, систематик равишда шўр ювилган. Ундан таш-

қари сув оз миқдорда берилган, ортиқча ташлама бўлмаган, деҳқончилик маданияти жуда юксак бўлган.

А. Ф. Миддендорф тупроқ шўрига қарши олиб борган ишлари ҳақида шундай деган эди: «Инсон тупроқдаги ортиқча туздан сира қўрқмаслиги ва чекинмаслиги даркор: тузнинг ўзи тупроқдан осон ҳатто жуда осонликча қочади».

Олим ўз замондошларига Фарғона водийси деҳқонлари тажрибасини ўрганиш ва амалда фойдаланишга чақириб: «Биз аввало минг йиллар давомида амалда синалган бой ютуқларга эришганларнинг издоши бўлмоғимиз керак»,— дейди.

А. Ф. Миддендорф деҳқонларнинг асрий донишмандлигига катта эътибор билан қараганлигини кўплаб мисолларда кўрамиз, у айниқса, кекса кишилар ақл-заковатига қойил қолади. Бу ерда олимнинг фикрлари нақадар тўғри эканлигини қайд қилмоқ керак. Ҳақиқатан ҳам, фарғоналик миришкорлар деҳқончиликда, ирригация ва мелиорация ишларида кўпгина янгиликларни ўйлаб топиб, юқори ҳосил етиштириш усталари бўлган. Уларнинг тажрибалари бошқа ерларда ҳам кенг ёйилган.

Ўзбекистонда революциядан аввал ва кейин кўп йиллар ишлаган машҳур совет гидротехниги ва мелиоратори Г. К. Ризенкампф (Мирзачўлни суғориш ва ўзлаштиришнинг мукамал лойиҳасини яратган) мелиораторларни врачларга ўхшатади, тупроқнинг «соғлиғи» шу «табиблар» қўлида, табиб касалликни тўғри аниқлаши ва зарур даволаш усулларини қўлланиши керак, деган эди.

Ўрта Осиё халқлари тарихини мукамал ўрганган бошқа совет олими, академик В. В. Бартольд ҳам «Туркистонда суғориш тарихига оид» йирик асар ёзиб қолдирган. Бу асарда ҳам республикамиз территориясидаги ерларда амалга оширилган қадимги йирик ирригация ва мелиорация ишлари ёритиб берилган.

Юқорида айтилганидек, кўпгина районларда, айниқса, Фарғона водийсида зовурлар системаси кенг тарқалган эди. Аммо зовурлар унча чуқур бўлмаганлиги ва шўр сувларни территориядан узоққа чиқара олмаганлиги туфайли ҳамма вақт ҳам кутилган натижани бермаган. Ундан ташқари, очиқ зовурлар тезда ишдан чиқаверган (четлари қулаган, қуриш қимматга тушган). Аммо инсоннинг ақл-заковати табиатнинг бу инжиқлигини енгиш учун тинмай ишларди, мелиорациянинг турли-туман янги усуллари бунёд этилди. Агар очиқ

горизонтал дренаж, яъни зовурлар республикамизда ниҳоятда кенг тарқалганлиги аниқ факт бўлса, ўзбек мелиораторларини ёпиқ горизонтал зовурларнинг ҳам ижодкори, дейиш мумкин. Буни исботловчи бир қанча далиллар келтирамиз.

Гап шундаки, республикамиз территориясида олиб борилган кўпгина археологик қазилмалар давомида кўмма (ёпиқ) зовур-тазар қолдиқлари аниқланди.

Фарғона область Тошлоқ районидаги Тошлоқ қишлоғи яқинидан бундан тахминан 150—200 йил аввал қурилган кўмма зовур қолдиғи топилди (бу зовур бир оз тозалангач, ҳали ҳам ишлаб турибди. Узунлиги 200 метр). Бу ёпиқ зовурнинг шу каби замонавий зовурдан фарқи шундаки, у ерда ер остига трубалар ўрнига тошлар ёрдамида кичик галерея қилинган ва усти тупроқ билан кўмилган. Бундай иншоотлар, айниқса, шаҳарларда кўп учрайди: Тошкент, Бухоро, Самарқандда қазилма пайтда кўп топилган. Улар зах, ботқоқликка қарши кураш, канализация функцияларини бажарган. Масалан, Тошкент шаҳрида (Соғбон кўчасидан) археологларимиз томонидан XIX асрда қурилган ана шундай зовур топилди. Шуниси муҳимки, бу ерда қурилиш материалли сифатида Фарғонадагидан фарқли энди сопол қувурлар ишлатилган. Қувурлар воронка шаклидаги оғиз (раструб)га эга бўлган ва бир томонга бир оз қисқариб борган, четида (охирда) валик бор; трубалари узунлиги 49—50, ички диаметри 10—13 сантиметр ҳамда узунлиги 37—45 ва диаметри 7—8 сантиметр бўлган қувурлар топилган.

Бу факт Тошкент шаҳрининг аҳолиси ботқоқлик билан курашнинг анча прогрессив усулларини билганлигини исботлайди (маълумки, икки минг йиллик тарихга эга шаҳар ва унинг атрофларида ботқоқ жойлар анча кўп эди).

Демак, ўзбек халқи ўша пайтдаёқ мелиорациянинг янги-янги усулларини ўйлаб топишга муяссар бўлган. Маълумки, Ўзбекистонда ёпиқ горизонтал дренажлар ҳозирги кунда жуда кенг қўлланилмоқда. Бобокалонларимизнинг ирригация ва мелиорация жабҳасида эришган ютуқларини улугловчи яна бир мисол келтирамиз. Республикаимизнинг Нурота районида ва бошқа ерларда ҳали ҳам илгари қазилган коризларнинг изи бор. Коризлар — ер ости сув иншооти бўлиб, ер ости сувларини юзага чиқариш ва ундан суғориш мақсадларида фойдаланиш учун қурилган. Коризларнинг мелиоратив

аҳамияти катта бўлган, албатта. Уларни ҳозирги замон ёпиқ горизонтал зовур билан таққослаш мумкин.

Кориз қазииш ишлари эрамиздан аввалги 329—327 йилларга, яъни Урта Осиёни босиб олган Искандар Зулқарнайн даврига тўғри келади.

Минг йиллар давомида деҳқонлар хизматида бўлган кўпгина коризлар ҳозирда ҳам сақланиб қолган. Шунинг эслатиб ўтиш керакки, зовурлар фақат шўрланиш ва ботқоқланишга қарши курашда фойдаланилган эмас, уларнинг функцияси анча кенг бўлган. Маълумки, республикамизда кўп йиллари сел ва тошқинлар бўлиб турган. Ана шундай ҳолатларни эътиборга олиб, деярли барча шаҳар ва қишлоқларда йирик-йирик зовурлар системаси қурилган, улар одатда, зах ва ортиқча сувларни ташқарига чиқариб, турар жойларни табиий офатдан сақлаган. Бундай очиқ зовур излари кўп жойларда аниқланган. Қадимда қурилган кўпгина зовурлар Совет ҳокимияти даврида қайта тикланиб, мелиорация ишида кўп вақт хизмат қилган. Ана шундай иншоотлардан бири XVI асрда Бухоро воҳасида қурилган (Амир Темур зовур — коллекторидир), унинг эски ўзани кенгайтирилиб, узайтирилди ва ҳозирги кунда катта территорияни мелиорациялашда ёрдам бермоқда. Аммо баъзи жойларда, айниқса, йирик қишлоқ, посёлка ва шаҳарларда ободонлаштиришни йўлга қўйиш баҳонаси билан эскидан мавжуд бўлган зовурларни кераксиз, кўркни бузаётибди, деб асоссиз кўмиб юбориляпти. Бундай ўйламасдан қилинаётган ишлар кўпинча, яхшиликка олиб келмаяпти. Масалан, бир қанча йирик тарихий ёдгорликлар ишдан чиқди, айрим қишлоқларда сел, тошқинлар даврида ортиқча сувни чиқарадиган иншоот йўқлиги маълум бўлди ва янгисини дарҳол қуришга киришилди. Шунинг учун илгаридан мавжуд бўлган барча иншоотларни тугатишдан аввал ҳар томонлама ўйлаш керак, яхшиси улар тарихий обидалар сифатида сақланиши, реставрация, реконструкция қилингани маъқул. Чунки табиат ҳодисаларини ҳам ҳисобга олиб қурилган. Бизнинг мисолимиздаги ариқ-зовурлар вақтида асқотиб қолиши мумкин. Биз бундай воқеаларнинг бир неча бор гувоҳи бўлганмиз, илгари «кераги йўқ» деб ҳеч иккиланмай ёпиб юборилган иншоотларни дарҳол қайтадан тикланган (лекин таассуфки, бу ҳолат анчагина зиён келтирилгандан кейин, анча кечикиб қилинди).

Бу ерда совет олими, академик С. И. Вавиловнинг «асрлар мобайнида авлодлар томонидан тўқланган ил-

мий меросга енгил-елпи қараш, уни меҳсимаслик тараққиётда даҳшатли оқибатларга олиб келиши мумкин», деган ажойиб фикрини келтириш жуда ўринлидир.

Ўзбекистоннинг кўпгина суғориладиган майдонлари дарёдаги сув сатҳидан баланд жойлашган. Шу сабабли дарёлардан бошланадиган каналлар одатда тошқин пайтларидагина ишлаб, далаларга сув олиб борган. Йилнинг бошқа пайтида каналлар қуриб қолган ёки сув камчил бўлган. Халқимиз бундай пайтда чиғирлардан фойдаланган. Чиғир дарё, канал ва, ҳатто, қудуқлардан (ер остидан) сувни чиқариб суғоришда кенг қўлланилган.

С. П. Толстов, Я. Ғуломов, Б. В. Андрианов маълумотларига кўра, айниқса, Хоразм воҳасида чиғирлардан фойдаланиб далаларга сув чиқариш ишлари кенг авж олган (V—VI асрларда бошланган). Текширишларнинг кўрсатишича, сувни шу усул билан кўтаришнинг ўзи ҳам мелиоратив аҳамиятга эга.

Гап шундаки, сувни механик усулда кўтарилган пайтда дарё ёки каналдаги сув сатҳи суғорилаётган ердан ҳар доим пастда бўлади ва даладаги ер ости сувлари сув олинаятган манба томон ҳаракат қилганлигидан унинг сатҳи унча баланд бўла олмайди. Шу сабабли илгари Хоразм воҳаси ерлари камроқ шўрланган. Чиғир билан суғориладиган ерлар бошқа ерларга нисбатан юқори ҳосил берган.

Бу усулда сув чиқаришда одатдагидан 30—50 процент сув тежалган ва деҳқончилик маданияти анча юқори бўлган. Бунда дарё ва юза сувлари тежалиши, ер ости сувлари сатҳининг анча пасайиши натижасида экин майдонларининг мелиоратив шароити яхши бўлган. Бундай пайтларда зовур қуришга эҳтиёж йўқолади. Бизнинг фикримизча, чиғирлар ёрдамида ернинг шароитини яхшилаш ва суғориш принциплари ҳозирги вертикал (тик) зовур (дренаж) лар системаси учун асос қилиб олинган, дейиш мумкин. Бу хил асос зовурлар Ўзбекистоннинг Мирзачўл, Жиззах, Бухоро, Қарши, ғарбий Фарғона зоналарида тобора кенг қўлланилмоқда.

Бу типдаги дренажнинг муҳим томони шуки, тупроқдаги сув, туз режимини тўла тартибга солиш мумкин, ишлар тўла механизация ва автоматизация асосида олиб борилади, ер остидан насослар ёрдамида (чиғир ўрнига) чиқариладиган сувлар турли эҳтиёжлар, жумладан суғориш учун ҳам (агар шўри кам бўлса) фойдаланиш мумкин.

Очиқ зовурга қараганда ёпиқ горизонтал ва вертикал зовурлар катта афзалликларга эга. Лекин шунини айтиш керакки, зовурларни ҳар йили тозалаш, таъмирлаш халқ учун оғир машаққат ҳисобланади.

Ўрта Осиё, жумладан ҳозирги Ўзбекистон территориясида ирригатор ва археолог мутахассислар ҳисоби-га кўра, жуда катта майдонларда суғориш ишлари олиб борилган. С. П. Толстов маълумоти бўйича, фақат икки азим дарё этакларида умумий майдони тахминан 4,5 миллион гектардан ошиқроқ қадимги суғорилган ерлар бўлиб, шундан 2,5—2,8 миллион гектари Сирдарё ва 1,8 миллион гектардан зиёдроғи Амударё этакларида жойлашган. Я. Ғ. Ғуломовнинг текширишлари бўйича Зарафшон ва Қашқадарё этакларида 600 минг гектар қадимги суғорилган ва сув чиққан ерларнинг борлиги аниқланди (солиштириш учун шунини айтиш керакки, ҳозир ЎзССРда 3,5 миллион гектарга яқин ер суғориб экилади).

Демак, шундай катта жойга обикор деҳқончилик ва ободончилик ишлари олиб борилган, аммо вақт ўтиши билан илгари гуллаб-яшнаган ерлар ташландиқ жойларга айланиб қолган. Бундай ҳолатнинг сабаби тўғрисида гап борганда бир қанча йирик ғарб тадқиқотчилари (Э. Хентингтон, Д. Стюард, П. Бейкер) ва айрим рус мутахассислари табиий-иқлим шароитларининг асос қилиб қўядилар.

Совет олимлари, биринчи навбатда С. П. Толстов, Я. Ғ. Ғуломов ва бошқа ўзбекистонлик олимларнинг йирик фундаментал тадқиқотларида бу ерда сунъий суғоришнинг инқирозга юз тутиши — қум босиши, иқлим ва дарёлар оқимининг ўзгариши, ерларнинг шўрхокланиши ва бошқа шунга ўхшаш турли-туман табиий омилларга эмас, балки синфий ижтимоий факторларга боғлиқ эканлиги илмий жиҳатдан тўла исботланди.

Хоразм, Қуйи Зарафшон, Сурхондарё, Фарғонадаги гуллаб-яшнаган қадимги воҳаларнинг ҳувиллаб қолишига биринчи навбатда, бу территорияда феодал тарқоқликнинг кучайиши, феодал хонликлар ўртасидаги ўзаро курашлар, вайроналик келтирувчи урушлар сабабчи бўлган.

«Қадимги катта-катта суғорилган районлар фақат Хоразмдагина эмас, балки суғориладиган барча Шарқ мамлакатларида ҳам баъзи бир тадқиқотчилар ўйлаганидек, тупроқнинг унумсиз бўлиб қолиши ва шўрланиши туфайли саҳрога айланган эмас, балки сиёсий жан-

жаллар ва мустабид ҳокимларнинг мамлакатнинг ишлаб чиқарувчи кучларига нисбатан бепарволик билан қарашлари натижасида суғориш системаларининг вайрон бўлиши сабабли рўй берган»,— деб ёзган эди Я. Ғ. Фуломов.

Ҳақиқатда ҳам, халқимизнинг ақл-заковати билан деҳқончилик ишлари шундай олиб борилганки, бунда ерларнинг бора-бора ёмонлашувининг олди олинган. Деҳқон аҳлининг маданий ерларни ташлаб кетишига жамиятдаги келиштириб бўлмас сиёсий ихтилофлар асосий сабаб бўлган.

К. Маркс «Марказий ҳукумат қўлидаги ерларни сунъий суғориш системаси агар шу ҳукумат ирригацион ҳамда қуриштиш ишларига бепарво қараса, дарров тушқунликка учраган, бу эса бошқача тушунтириб бўлмайдиган фактни, яъни қачонлардан бери яшнаб ётган бутун-бутун территорияларнинг ҳозир биз кўриб турган унумсиз саҳрога айланиши фактини тушунтириб беради», деб таъкидлаган эди¹.

Халқнинг бой тажрибаси эксплуататор синф намояндalarининг доимий ўзаро урушлари, фақат ўзгалар ҳисобига шахсий бойлик орттириш билан машғул бўлганликлари, омма манфаатларидан йироқ эканлиги туфайли қишлоқ хўжалигини тараққий эттириш учун кенг қўлланилади. Ирригация ва мелиорация ишлари учун онда-сонда оз миқдорда маблағ ажратилган, асосий ишлар халқ ҳисобига амалга оширилган.

Эксплуатациядан холи бўлган ҳозирги жамиятимизда халқимизнинг халқ хўжалигининг ҳамма соҳаларида эришган бой тарихий тажрибалари кенг ўрганилмоқда ва ҳаётга татбиқ этилмоқда.

Бу тажрибаларнинг қўпчилиги ўзининг амалий аҳамиятини йўқотган эмас, айниқса, қишлоқ хўжалигида тўғри алмашлаб экишни тўла жорий этиш (беданинг ҳиссасини ошириш) бўйича махсус қарор қабул қилинган ва амалга оширилмоқда.

Мелиорациянинг бир қанча агротехника усуллари эса ривожлантирилиб, ҳозирда кенг қўлланилماпти, шулардан кузги шудгор, шўр ювиш, яхоб бериш, мелиоратор экинлар экиш амалий аҳамият касб этган ва зарурий тадбирга айланган, сизот сувлардан қайта фойдаланиш ҳам қўлланилماпти.

¹ Қаранг: К. Маркс ва Ф. Энгельс. Уч томлик танланган асарлар, 1-том, «Ўзбекистон» нашриёти, 1980, 539-бет.

Илгаридан қўлланиб келинган зовурлар системаси ривожлантирилиб, шуларни такомиллаштириш асосида горизонтал ва вертикал дренажлар ишлаб чиқаришга кенг жорий қилинган.

Шуниси муҳимки, Ўзбекистон мелиораторлари бу соҳада энг илғор позицияни эгаллашган. Янги типдаги дренажлар халқаро лабораторияга айланган республикамизнинг Мирзачўл ерларида ихтиро қилинди ва си-наб кўрилди.

Сибирь дарё сувларининг бир қисмини Қозоғистон ва Ўрта Осиёга буриб, Аму ва Сирдарё этакларидаги ерларни ўзлаштириш навбатдаги вазифа бўлиб қолди.

Қадимги мелиораторларимиз атроф-муҳитни сақлаш ишларига ҳам катта аҳамият беришган. Айниқса, оқар сувларни ифлослантирмаслик, тупроқ унумдорлигини сақлаш, булоқ, чашмаларни, ўсимлик, айниқса дарахт ва ҳайвонот дунёсини асрашга муҳим эътибор беришган.

Кейинги пайтда партия ва ҳукуматимиз томонидан ишлаб чиқилган бир қанча конкрет тадбирий програм-малар ичида ерлар мелиорацияси соҳасида амалга оширилиши теварак-атрофдаги муҳитни муҳофаза қи-лиш билан боғлиқ бўлган бошқа муҳим (экологик) ма-салаларни ҳал этишга ҳам имкон беради.

КПСС XXVI съезди ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съезди ҳужжатларида кўрсатилганидек, тупроқ унумдорлигини ошириш, уларни сув ва шамол эрозия-сидан муҳофаза қилишни яхшилаш, ерларнинг шўр бо-сиши ва қақраб кетишига йўл қўймаслик, саноат чиқин-дилари билан ифлосланиш олдини олиш ана шулар жумласидандир.

СССР Конституцияси (Асосий Қонун)да (67-мод-да) бундай дейилган: «СССР гражданлари табиатни муҳофаза қилишлари, унинг бойликларини қўриқлаш-лари шарт». Ўз даврида К. Маркс шундай ёзган эди: «Ҳатто, бутун жамият, миллат ва, ҳатто, бир варака-йига бутун мавжуд жамиятларнинг ҳаммаси ер мулк-дорлари эмас. Улар ердан фойдаланувчи ер эгалари холос ва меҳрибон хонадон бошлиқлари сингари, ерни келгуси авлодлар учун обод қилиб қолдиришлари ке-рак»¹. Бу фикрни К. Маркс яна давом эттириб агар маданият стихияли равишда ривожланса, онгли равиш-

¹ К. Маркс. Капитал. Тошкент, «Ўздавнашр», 1972, III том, 813-бет.

да йўналтирилмаса, ўзидан кейин саҳрони қолдиради, деб таъкидлаган эди.

Ф. Ангелъс инсон табиат устидан босқинчилар ўзга халқлар устидан ўтказган ҳукмронлиги каби иш олиб бормаслиги даркор, деб огоҳлантирган.

Ер ва сув — барчанинг бойлиги, уни муҳофаза этиш ҳаммамизнинг ишимиз. Инсон ер ва сувсиз яшай олмаганидек, ер ва сув ҳам инсон марҳаматига муҳтождир.

Миришкор бободехқонларимизнинг бой тажрибаси эса ҳозирги кунда қўл келмоқда.

Умуман, ерлар мелиорациясининг, жумладан халқ мелиорацияси усуллариининг аҳамияти йилдан-йилга ошиб бормоқда. Чунки ҳозирги кунда фақат Ўзбекистон ССРда суғорилаётган уч миллиондан ортиқ гектар майдоннинг деярли икки миллион гектарида ирригация билан бирга мелиорация ишларини комплекс равишда олиб бориш керак. Ерларнинг фақат шўрланиши туфайли пахта ҳосилдорлиги кам шўрланган тупроқларда 10—30 процент, ўртача шўрланган районларда 30—60 процент кам олинган, чунки кучли шўрланган ва шўр-хок жойларда эса ўсимлик бутунлай нобуд бўлади. Олимларнинг ҳисобига кўра, шунинг оқибатида йилга 600—700 минг тонна кам пахта етиштирилади.

Партия ва ҳукуватимиз янги ерлар очишга катта эътибор бермоқда. Маълумки, кейинги бир неча беш йилликлар давомида йилига 80—100 минг гектар янги ер ўзлаштирилиб, экин оборотига киритилмоқда. Қилинган ишлар туфайли Мирзачўл ва Марказий Фарғона чўллари тўла ўзлаштирилди. Қарши, Жиззах чўллари ва Амударё этакларидаги қўриқларни очиш тезкорлик билан давом этмоқда. Лекин бу ерлардаги тупроқлар ҳам унумдор бўлишига қарамасдан, деярли ҳамма майдонлар у ёки бу даражада шўрланган. Демак, бу ерларда анча мураккаб мелиорация ишларини олиб бориш даркор. Бунда чўлларни ўзлаштиришда орттирилган тажрибалардан самарали фойдаланиш керак.

Бу соҳада КПСС XXVI ва Ўзбекистон Компартиясининг XX съездлари материаллари ҳамда 1981—1985 йилларга мўлжалланган янги ўн биринчи беш йиллик планлари муҳим аҳамиятга эга.

КПСС XXVI съезди ҳужжатларида «Ўрта Осиё республикаларида... суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолати ва сув билан таъминланиши яхшилансин, Ўзбекистон ССРда... Қарши ва Жиззах даштларини ўзлаштириш давом эттирилсин. 450—465 минг гектар суғори-

ладиган ерлар фойдаланишга топширилсин. 1,5 миллион гектар яйловга сув чиқарилсин», дейилган¹.

Бу юксак вазифаларни муваффақиятли бажариш учун янги беш йилликда ирригация ва мелiorация ишларига 6,4 миллиард сўм капитал маблағ ажратилмоқда.

КПСС Марказий Комитети Сиёсий Бюроси аъзолигига кандидат, Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари ўртоқ Ш. Р. Рашидов: «Илгаридан суғорилиб келинаётган ерларни мелiorациялаш, мелiorатив шохобчалардан, бутун коллектор-зовурлар тармоқларидан фойдаланишни яхшилаш марказий вазифа бўлиб келиши лозим»², — деган эди.

Айниқса, алмашлаб экишни тўғри жорий этишга катта аҳамият берилади. Пахта ҳосилдорлигини ўстириш пахтачиликдаги бош йўналиш бўлиб қолади. Тўғри, бу беш йилликда ва келажакда янги ерларни ўзлаштириш кенг давом эттирилади. Бироқ бундай ерларнинг катта қисми алмашлаб экишни тўла ўзлаштириш учун, ем-хашак ва озуқа экинлари майдонини кенгайтириш учун ажратиб берилади.

Гап шундаки, партиямиз махсус озиқ-овқат программасини амалга ошириш ва халқнинг моддий-маънавий турмуш даражасини янада юксалтириш учун кураш олиб бормоқда. Қишлоқ хўжалигини янада юксалтириш озиқ-овқат программасининг негизидир. Ана шу программада чорвачиликка кенг ўрин берилган. Озуқа, ем-хашаксиз эса чорвачилик маҳсулотлари етиштиришни кўпайтириб бўлмайди.

Кўрилатган чоралар қишлоқ хўжалиги самарадорлигини кескин ўстиришга олиб келади, Ўзбекистонда йилига 5,9 миллион тонна пахта, 400—410 минг тонна (сўйилган вазнда) гўшт, 2,5—2,7 миллион тонна сут ва бошқа кўплаб чорва маҳсулотлари етиштириш имконини беради.

Республикада суғориладиган жуда кўп унумдор ерлар бор. Сув ресурслари етарли бўлган тақдирда 8 миллион гектардан зиёдроқ янги ерни ўзлаштириш, бу ерларда қўшимча равишда кўплаб пахта, дон ва бошқа маҳсулотларни олиш имкони бор. Бу имкониятларни реал ҳақиқатга айлантириш учун Сибирь дарёлари оқи-

¹ КПСС XXVI съездининг материаллари. «Ўзбекистон» нашриёти, Тошкент, 1981, 253-бет.

² КПСС XXVI съездининг материаллари 265-бет.

мининг бир қисмини Ўрта Осиёга буриш таклиф этилмоқда, чунки ички сувлардан деярли тўла фойдаланиб бўлинган.

Шуларни эътиборга олиб, КПСС XXVI съезди томонидан тасдиқланган «СССРни иқтисодий ва социал ривожлантиришнинг 1981—1985 йилларга ҳамда 1990 йилгача бўлган даврга мўлжалланган. Асосий йўналишлари»да: «Ерларни мелиорациялашни янада ривожлантириш таъминлансин... Мавжуд мелиоратив системаларни реконструкция қилиш ва уларнинг сув таъминотини яхшилаш, тупроқнинг шўрланишига ва ортиқча шўрхок бўлишига барҳам бериш ишларини илдам суръатлар билан олиб борилсин... Сибирь дарёлари сувини Ўрта Осиё ва Қозоғистонга оқизиш бўйича илмий ва лойиҳа ечими ишлари давом эттирилсин», дейилди¹.

СССР халқ хўжалигини тараққий эттиришда мелиорациянинг ролига катта аҳамият бериб, КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари, СССР Олий Совети Президиумининг Раиси ўртоқ Л. И. Брежнев шундай деган эди: «Ерларни мелиорация қилиш, деҳқончилик маданиятини юксалтиришнинг кенг программаси ва шу асосда қишлоқ хўжалик экинлари ҳосилдорлигини ошириш коммунизмнинг моддий-техника базасини барпо этишнинг муҳим таркибий қисмларидан биридир².

Партиямиз XXVI съезди қўйган улкан вазифаларни муваффақиятли бажариш учун КПСС Марказий Комитети ва СССР Министрлар Совети 1981 йилнинг июлида «1981—1985 йилларда ерларни мелиорациялашнинг комплекс программаси тўғрисида» махсус қарор қабул қилдилар. Унга кўра, мелиорация ишларига янги беш йилликда 40,4 миллиард сўм ёки ўнинчи беш йилликка нисбатан 19 процент кўпроқ капитал маблағ ажратиш кўзда тутилган³.

Партия ва ҳукуматимиз томонидан қўйилган ва амалга оширилаётган мелиорация ишларида халқимиз томонидан кўп минг йиллар давомида тўпланган бой тажрибалар амалий аҳамият касб этмоқда. Мелиорациянинг халқ усуллари барҳаёт, уларнинг айримлари такомиллаштирилиб, замонавий мелиоратив система-ларга ўтказилди.

1 КПСС XXVI съездининг материаллари, 229-бет.

2 Л. И. Б р е ж н е в. Ленин йўлидан, 1-том, 475-бет.

3 «Правда Востока» газетаси, 1981 йил 9 июль сонн.

Абдухалил Раззаков

НАРОДНЫЕ СПОСОБЫ
МЕЛИОРАЦИИ

На узбекском языке

Издательство
«Узбекистан» — 1982,
Ташкент — 3-700129,
Навои, 30.

Редактор М. Бақоев
Техредактор В. Демченко
Корректор Ш. Гофурова

Н/К

Теришга берилди 16.12.1981 й. Босишга рухсат этилди 26.03.1982 й. Р 14928. Формати 84×108¹/₁₆. № 2 босма қоғозига «Литературная» гарнитурда юқори босма усулида босилади. Шартли босма листи 1,26. Шартли кр. отт. 1,47. Нашр листи 1,24. Тиражи 7216. Заказ № 2475. Баҳоси 4 т.

«Ўзбекистон» нашриёти. Шартнома № 339—81. Тошкент, 3-700129, Навоий кўчаси 30.

Ўзбекистон КП Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмаҳонаси. Тошкент. «Правда Востока», 26.

